

**БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Үн.20.02-РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
А К А Д Е М И Я С И**

ҒОЙИБОВ ЖЎРАБЕК ЧОРИЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ
МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12. 00. 02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори» (PhD)
илмий даражасини олиш учун диссертация
АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2022

Докторлик (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации (PhD)

Content of the abstract of the doctoral (PhD) dissertation

Гойилов Жўрабек Чориевич

Ўзбекистон Республикасида миграция жараёнларини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш.....3

Гойилов Жўрабек Чориевич

Совершенствование административно-правового регулирования миграционных процессов в Республике Узбекистан 27

Goyibov Jurabek Chorievich

Improvement of administrative and legal regulation of migration processes in the Republic of Uzbekistan 65

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 70

**БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Үн.20.02-РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
А К А Д Е М И Я С И**

ҒОЙИБОВ ЖЎРАБЕК ЧОРИЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ
МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12. 00. 02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори» (PhD)
илмий даражасини олиш учун диссертация
АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси В2018.1.PhD/Yu150 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.karsu_info@edu.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Селиманова Светлана Михайловна
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Турғунов Ойбек Каримович
юридик фанлари доктори, профессор.

Дауменов Бердах Аймуратович
юридик фанлар номзоди, профессор

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака
ошириш институти**

Диссертация ҳимояси Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Yu.20.02-рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «_____» ноябрь куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 230100, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1 жой. Тел.: (99361) 223-60-49; Факс: (361) 223-60-49; e-mail: karsu.info@gmail.ru).

Диссертация билан Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 230100, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1 жой. Тел.: (99361) 223-60-49; Факс: (361) 223-60-49; e-mail: karsu.info@gmail.ru.
Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ тарқатилди.

(2022 йил «__» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Е.Д.Кутыбаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

А.М.Иматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Қ.У.Умарова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор.

КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёдаги глобаллашув инсониятнинг ҳаракатланишини ва миграция жараёнини камровининг кенгайишига олиб келмоқда. Бугунги кунда миграция масалалари дунё давлатлари учун ижтимоий ва иқтисодий тараққиётнинг зарурий негизи сифатида намоён бўлмоқда. Замонанинг ўзи жаҳон давлатларининг ҳеч бири миграция ва унга хос бўлган муаммолардан холи эмаслигини кўрсатмоқда. Дунёдаги глобаллашув масалаларининг кескин ривожланиши ўз навбатида миграция жараёнларининг жадаллашувини келтириб чиқармоқда, бу эса вужудга келаётган муаммоларни ҳал этиш зарурлигини тақозо этмоқда. Жаҳон ҳалқаро миграция ташкилоти томонидан эълон қилинган статистик маълумотларга кўра “...мигрантларнинг жами сони 272 миллиондан ортиқни ташкил этиб, уларнинг 66,7 фоизини меҳнат мигрантлари ташкил этади. Мазкур рақамлар дунё аҳолисининг 3,5 фоизини ташкил этиб, 2021 йилда мигрантлар томонидан амалга оширилган пул ўтказмалари ҳажми 700 млрд. АҚШ долларига яқинлашганлиги мазкур йўналишнинг жаҳон ҳамжамияти эътиборига тушишига сабаб бўлган”¹.

Жаҳонда аҳоли миграцияси иқтисодий муносабатларда ўзига хос ўринни эгаллайди. Илмий изланишлар жаҳон мамлакатларида меҳнат кучининг асосан ноқонуний миграцияси кўлами кенгайиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Меҳнат миграциясининг ички тузилиши ўрганилганида, унда нафақат касбга эга бўлмаганлар балки юқори малакали кадрлар ҳам борлиги маълум бўлмоқда. Бу эса ички меҳнат бозорида рақобатнинг кучлилиги ёки малакали мутахассилар ўз касблари доирасида иш топа олмаётганлиги билан изоҳланади. Келтирилганлар ўз навбадида миграция ва унинг жараёнларини назарий, ҳуқуқий, илмий ва амалий нуқтаи назардан тадқиқ этишга ва уларни маъмурий-ҳуқуқий тартибга солинишини такомиллаштиришга эҳтиёж мавжудлигини кўрсатади.

Ўзбекистонда мигрантлар ҳуқуқлари, меҳнат миграцияси, одам савдоси, ноқонуний миграция, унинг жараёнларини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш, миграция қилаётган шахслар (оила аъзолари)нинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоясини кучайтиришга қаратилган тизимли чора-тадбирлар комплекси рўёбга чиқарилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясининг 86-мақсадида “*Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграциясини таъминлаш ҳамда самарали миграция сиёсатини юритиш*”² кўзда тутилган. Расмий статистик маълумотлар хорижга уч миллионга яқин Ўзбекистон фуқароси меҳнат қилиш учун кетганлигини кўрсатади. Бу эса мамлакатимизда миграция ва унинг жараёнларини давлат томонидан маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш бўйича

¹ Доклад о миграции в мире 2020. <https://publiclons. IOM In Migration>. 2. Данные ООН. Департамент по экономическим и социальным вопросам. Тенденции международной миграции. <https://www.un.org/ru/>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони \\\ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон

рўёбга чиқарилаётган туб ўзгартишларнинг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда, жамиятдаги ижтимоий масалалар ва иқтисодий муносабатлар соҳасидаги муаммоларни юзага келиши ва ҳал этилишида салмоқли ўринга эга миграцияни маъмурий-ҳуқуқий тартибга солинишини ўрганиш, мазкур йўналишдаги ҳуқуқий нормаларни ривожлантиришга қаратилган илмий тавсиялар ва амалий таклифларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги (2016), «Халқаро миграция ташкилоти Конституциясини (Брюссель, 1953 йил 19 октябрь) ратификация қилиш тўғрисида»ги (2018), «Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги (2018), «Туризм тўғрисидаги (2019), «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги (2020), «Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида»ги (2020) «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги (2021) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017), Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегияси тўғрисида»ги Фармони (2022), «Ички ишлар органларининг миграция жараёнлари ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017) ҳамда «Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2020) қарорларини, миграцияни тартибга солишга қаратилган норматив ва ҳуқуқий ҳужжатлардаги вазифаларнинг ижро этилишига мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот илм-фанни ривожлантиришнинг «Ш. Юқори малакали илмий ва муҳандис кадрлар тайёрлаш ҳамда уларни илмий фаолиятга йўналтириш»устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизда миграция жараёнларига доир айрим масалалар, хусусан ички ишлар органларининг миграцияга доир фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришнинг умумий жиҳатлари ҳуқуқшунос олимлар Х.Р.Алимов¹, Ш.Н. Бердияров, М.А.Ахмедшаева, М.З.Зиёдуллаев, И. Исмаилов, Г.С. Исмаилова, Л.Исоқов, Е.Д.Кутыбаева, Ф.А.Мухитдинова, Ж.С. Мухторов, Х.Т.Одилқориев, Ф.Х.Рахимов, З.А.Реймова, Х.И.Рузметов, З.Р. Рўзиев, А.Х.Саидов, С.М.Селиманова, И.Т.Тулътеев, А.С.Турсунов, К.У.Умарова, И.А.Хамедов, Э.Ш. Ҳайитов, Э.Т.Хожиев ва О.Т.Ҳусановлар томонидан маълум даражада тадқиқ этилган.

Мамлакатимизда бевосита миграцияни тартибга солиш билан боғлиқ масалалар, жумладан меҳнат миграциясини бошқариш масалалари Л.П. Максакова, мигрантларнинг халқаро-ҳуқуқий мақоми К.Ш. Арипова,

¹ Ушбу ва бошқа муаллифларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

меҳнаткаш-мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш С.Ғ. Ишанходжаев, ички миграция, хусусан паспорт тизимини такомиллаштириш Дж.Х. Юлдашев, миграция жараёнларини тартибга солишнинг сиёсий жиҳатлари Д.Н. Муйдинов, миграция соҳасидаги давлат бошқарувининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари Л.Х. Исоқов, ички ишлар органларининг миграция жараёнларига доир фаолиятини такомиллаштириш Б.И.Эгамбердиевлар томонидан ўрганилган.

Хорижий мамлакатларда миграция жараёнларини тартибга солишнинг илмий-назарий ва ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари В.А.Андрюшенков, А.Д. Брик, М. Вильямс, М. Р. Вокуев, Е.В. Галюза, П. Дебнац, В. Ю. Дибель, А.Н. Жеребцов, Т.И. Заславска, Р.Н. Зинуров, П.А. Насуров, И.В. Никитенко, Л.Л.Рыбаковский, Э.Г.Равенштейн, И.Ю.Сизов, Е.В.Суслин, В.Н. Сумароков, О.Т. Суюнчалиева, А.Н.Торенко, А.Ю.Тарасов, Д.Р. Фатихов, Г.А. Чехоев, А.Н. Шкилев, О.В. Шилова ва Д. Хьюменслар томонидан тадқиқ этилган..

Мазкур тадқиқотларда миграцияни давлат томонидан бошқаришни ташкилллаштириш жиҳатлари, мигрантларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, бу борадаги қонун нормалари ва уларни амалиётда қўлланилиши, халқаро ҳуқуқ стандартлари ва нормалари ҳамда паспорт тизимининг назарий-ҳуқуқий жиҳатлари ўрганилган. Бироқ, Ўзбекистон Республикасида миграция жараёнларини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари асосида комплекс изланиш ўтказилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация иши Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг 2018–2022 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари режасидаги «Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва маъмурий иш юритиш бўйича фаолиятини ривожлантириш» мавзусидаги тадқиқот ишлари йўналиши доирасида тайёрланган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасида миграция жараёнларини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солинишини такомиллаштиришга қаратилган хулоса, тавсия ва таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мамлакатизда миграция жараёнларини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солишнинг ижтимоий заруриятини ўрганиш;

Ўзбекистон Республикасида меҳнат миграцияси жараёнларини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солинишининг ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш;

миграцияни маъмурий-ҳуқуқий тартибга солишда халқаро ташкилотларнинг ролини таҳлил қилиш;

ривожланган хориж давлатларининг миграция жараёнларини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш бўйича тажрибасини ўрганиш;

Ўзбекистон Республикасида миграция жараёнларини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солишнинг замонавий ҳолатини таҳлил қилиш;

миграция жараёнларини мамлакатимизда маъмурий-ҳуқуқий тартибга солинишини ташкил этишининг хусусиятларини ўрганиш;

миграция бўйича жараёнларни маъмурий-ҳуқуқий тартибга солишнинг самарадорлигини ошириш ва унинг маъмурий-ҳуқуқий тартибга солинишини ривожлантиришга қаратилган тавсия ва таклифлар ишлаб чиқишни ташкил этади.

Тадқиқотнинг объектини Ўзбекистон Республикасида миграция жараёнларини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқот предмети бўлиб Ўзбекистон Республикасида миграция жараёнларини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солувчи нормалар, уларни қўллаш амалиёти, хорижий тажриба, илмий ва методологик-услубий нуқтаи назар ва ёндашувлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни амалга оширишда илмий билишнинг тизимли-тузилмавий, қиёсий-ҳуқуқий, формал-мантиқий, тизимли ёндашув, анализ, синтез, аниқ-социологик, кузатиш, дедукция, индукция, илмий манбаларни комплекс ўрганиш, идоравий-норматив ҳужжатлар, эмпирик материал ва статистик ҳисоботларни ўрганиш ва қиёсий таҳлил қилиш, мантиқийлик усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўн тўрт ёшга тўлмаган боланинг ота-онаси (ёлғиз отаси ёки онаси) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олса ёки Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан чиқса, ушбу боланинг фуқаролиги ўзгариши мумкинлигини ҳуқуқий кафолатлаш зарурати асослантирилган;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаб турган шахс илтимосномани доимий яшаш ёки вақтинча турган жойидаги ички ишлар органига, хорижда яшаётган шахс эса консуллик муассасасига бериши, узрли сабаблар мавжуд бўлганда (касаллик, консуллик муассасасининг мавжуд эмаслиги) нотариал тартибда тасдиқланган илтимоснома ишончли шахслар орқали берилиши зарурати ва афзалликлари асослантирилган;

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига мансубликни аниқлаш шахснинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублигини аниқлаш тўғрисидаги аризаси ва аризага илова қилинган ҳужжатлар асосида амалга оширилиши, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига мансубликни аниқлаш Ўзбекистон Республикасининг ёки чет давлатнинг ваколатли органи сўрови бўйича ҳам амалга оширилиши мумкинлиги асосланган;

фуқаролар янги яшаш жойига келган кундан эътиборан ўн беш кун ичида ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари, Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки Давлат хизматлари марказлари орқали доимий ёки вақтинча рўйхатдан ўтишлари шартлиги миграция жараёнларига доир фаолиятини мақбуллаштириш ва енгиллаштиришга хизмат қилиши асослантирилган;

фуқарони Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида яшаш жойи бўйича фуқаронинг доимий рўйхатини бекор қилмаган ҳолда, мулкдорнинг аризасида

ёки солиқ идораларида ҳисобга олинган ижара шартномасида кўрсатилган, бироқ бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга вақтинча рўйхатга олинмиши шахснинг ҳуқуқларининг рўёбга чиқарилишини кафолатлаши асосланган;

вақтинча рўйхатга олиш тўғрисидаги қайд варағи фуқаронинг турган жойида вақтинча рўйхатга олинганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат ҳисобланади ва паспорт ёки ID-карта, ҳарбий хизматчининг шахсий гувоҳномаси ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома (16 ёшга тўлмаган шахслар учун) тақдим этилган тақдирда, унда кўрсатилган муддат мобайнида ҳақиқий бўлиши зарурлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси. Тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган «Миграция кодекси» қабул қилиниши зарурлиги ҳақидаги таклифнинг рўёбга чиқарилиши миграция жараёнларини ҳуқуқий тартибга солиш масалаларига ягона давлат ёндашуви шаклланиши, масъул органларнинг соҳадаги ваколатлари аниқ кўрсатилиши, мигрантларнинг ҳуқуқлари кафолатлари кучайтирилиши, миграция бўйича ички ва хорижий давлатлар билан ҳамкорлик кўлами ва йўналишлари кенгайтирилиши, миграция жараёнларини тартибга солувчи қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мавжуд коллизия ва ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этишга, мазкур соҳадаги қонунчиликни тизимлаштиришга, шунингдек ҳуқуқни қўллаш амалиётида юзага келган муаммоли масалаларнинг ҳал этилишини таъминлашга хизмат қилади.

Ички миграцияни тартибга солишга доир нормаларни бузганлик учун маъмурий жавобгарликни янада такомиллаштириш борасидаги таклифлар ички ишлар органларининг миграция билан боғлиқ маъмурий амалиётини самарали тартибга солишга, ушбу соҳада шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини кафолатлаш даражасини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган хулоса, таклиф ва тавсиялар халқаро-ҳуқуқ нормалари, миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, хориж мамлакатлари тажрибаси, ИИВ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаларининг фаолияти материаллари (йиғмажилд, хулоса ва баённомалар), 280та эксперт орасида ўтказилган сўров натижалари ҳамда соҳага доир етти йиллик (2016-2022 йиллар) статистик маълумотлар таҳлили орқали асосланган. Тадқиқот ишида фойдаланилган материаллар тегишлича расмийлаштирилиб, олинган илмий хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилган ҳамда натижалари етакчи хорижий ва миллий журналларда нашр этилган. Тадқиқот натижалари ваколатли органлар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Мазкур тадқиқот яқунлари бўйича шакллантирилган хулоса, тавсия ва таклифлардан миграция жараёнларининг назарий асосларини мустаҳкамлашда, қонун ҳужжатларини шарҳлашда, қонун ижодкорлиги жараёнида, шунингдек «Маъмурий ҳуқуқ», «Ички ишлар органлари фаолияти» ва «Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаларининг маъмурий-юрисдикцион

фаолияти» фанларини илмий-назарий бойитишда, қолаверса, миграция соҳасида илмий изланишлар олиб бориш ҳамда олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти уларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётига жорий қилиниши мамлакатимиз ташқи меҳнат миграцияси ва ИИВнинг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари томонидан амалга ошириладиган миграцияни маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш усулларини қўлланилиши самарадорлиги оширилишида кўринади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикасида миграция жараёнларини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш юзасидан шакллантирилган илмий хулосалар натижасида:

ўн тўрт ёшга тўлмаган боланинг ота-онаси (ёлғиз отаси ёки онаси) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олса ёки Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан чиқса, ушбу боланинг фуқаролиги ўзгариши мумкинлиги тўғрисидаги таклифдан 2020 йил 13 мартдаги «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги ЎРҚ-610-сон Қонунининг 32-моддасининг биринчи қисмини шакллантиришда фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қўмитасининг 2022 йил 16 февралдаги 05/1-03-38-сон маълумотномаси*). Мазкур таклифнинг қонунчиликка жорий этилиши ўн тўрт ёшга тўлмаган боланинг фуқаролигини аниқлаш механизмини ривожлантирилишига хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаб турган шахс илтимосномани доимий яшаш ёки вақтинча турган жойидаги ички ишлар органига, хорижда яшаётган шахс эса консуллик муассасасига бериши, узрли сабаблар мавжуд бўлганда (касаллик, консуллик муассасасининг мавжуд эмаслиги) нотариал тартибда тасдиқланган илтимоснома ишончли шахслар орқали берилиши мумкинлиги тўғрисидаги таклифдан Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 июндаги ЎРҚ-696-сонли «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Қонуни билан мазкур қонун 37-моддасининг иккинчи қисмини ишлаб чиқишда фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қўмитасининг 2022 йил 16 февралдаги 05/1-03-38-сон маълумотномаси*). Мазкур таклифнинг қонунчиликка жорий этилиши Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш, уни тиклаш ёки ундан чиқиш тўғрисидаги илтимосномаларга доир умумий талабларни аниқ белгиланишига ва уни амалга ошириш жараёнларининг соддалаштирилишига хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига мансубликни аниқлаш шахсининг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублигини аниқлаш тўғрисидаги аризаси ва аризага илова қилинган ҳужжатлар асосида амалга оширилиши, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига мансубликни аниқлаш Ўзбекистон Республикасининг ёки чет давлатнинг ваколатли органи

сўрови бўйича ҳам амалга оширилиши мумкинлиги тўғрисидаги таклифдан Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 июндаги ЎРҚ-696-сонли «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Қонуни билан мазкур қонун 37-моддасининг иккинчи қисмини ишлаб чиқишда фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қўмитасининг 2022 йил 16 февралдаги 05/1-03-38-сон маълумотномаси*). Мазкур таклифнинг қонунчиликка жорий этилиши Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублигини аниқлаш ва уни амалга ошириш жараёнларининг соддалаштирилишига хизмат қилган;

фуқарони Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида яшаш жойи бўйича фуқаронинг доимий рўйхатини бекор қилмаган ҳолда, мулкдорнинг аризасида ёки солиқ идораларида ҳисобга олинган ижара шартномасида кўрсатилган, бироқ бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга вақтинча рўйхатга олинишига доир таклифдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 декабрдаги 1049-сон қарорининг иловасига мувофиқ тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 4-боби 36-банди 1-хатбошини ишлаб чиқишда фойдаланилган. (*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 февралдаги 12/21-13-сонли далолатномаси*). Ушбу таклифлар ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаларининг фуқароларни вақтинча рўйхатга олиниши бўйича фаолиятининг ривожланишига хизмат қилган;

фуқаролар янги яшаш жойига келган кундан эътиборан ўн беш кун ичида ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари, Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки Давлат хизматлари марказлари орқали доимий ёки вақтинча рўйхатдан ўтишлари шартлиги тўғрисидаги таклифдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 декабрдаги 1049-сон қарорининг иловасига мувофиқ билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 3-банди учинчи хатбошисини ишлаб чиқишда фойдаланилган. (*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 февралдаги 12/21-13-сонли далолатномаси*). Ушбу таклифлар ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари, Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали, Давлат хизматлари марказлари фаолият самарадорлигини янада оширишга хизмат қилган;

вақтинча рўйхатга олиш тўғрисидаги қайд варағи фуқаронинг турган жойида вақтинча рўйхатга олинганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат ҳисобланади ва паспорт ёки ID-карта, ҳарбий хизматчининг шахсий гувоҳномаси ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома (16 ёшга тўлмаган

шахслар учун) тақдим этилган тақдирда, унда кўрсатилган муддат мобайнида ҳақиқий эканлигига доир тақлифидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 декабрдаги 1049-сон қарорининг иловасига мувофиқ тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 4-боби 48-банди 2-хатбошини ишлаб чиқишда фойдаланилган. (*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 февралдаги 12/21-13-сонли далолатномаси*). Ушбу тақлиф рўйхатга олинганлигини тасдиқлайдиган қайд варағи жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари кафолатларини янада ривожлантиришга, Ташқи миграция агентлиги, ИИВ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари фаолияти самардорлиги оширилишида ҳисса қўшган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг мазмуни ва унинг натижасида олинган илмий хулоса, тавсия ва тақлифлар иккита халқаро миқёсда ва етти республика даражасидаги илмий, назарий ва амалий анжуманларда синовдан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация тадқиқоти юзасидан жами 20 та, шу жумладан, 1 та монография, диссертациянинг асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий журналларда 12 та (шундан 3 таси хорижда) илмий мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кўра кириш, учта боб, шу жумладан тўққизта параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 135 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари ҳамда объект ва предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотнинг биринчи боби «**Ўзбекистон Республикасида миграция жараёнларини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солишнинг назарий ва халқаро-ҳуқуқий асослари**»га бағишланган бўлиб, унда миграция жараёнларини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солишнинг ижтимоий зарурияти, Ўзбекистон Республикасида меҳнат миграцияси жараёнларининг замонавий ҳолати ва таҳлили, миграцияни маъмурий-ҳуқуқий тартибга солишда халқаро ташкилотларнинг роли, ривожланган хориж давлатларининг миграция жараёнларини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш бўйича тажрибаси ўрганилган.

Миграция ХХІ асрда ер юзидаги кенг кўламли трансформацияларга таъсир кўрсатаётган замонавий дунёнинг ажралмас тенденциясига айланди. Миграция оқимлари жадаллашиб, иқтисодийта ижобий таъсирлар кўрсатиш билан бирга, салбий муаммолар ва таҳдидларни ҳам келтириб чиқармоқда.

Миграция жараёнларининг ижтимоий моҳияти ҳам шахс, ҳам ижтимоий гуруҳ, ҳам умуман жамият билан боғлиқ бўлиб, жамиятнинг ижтимоий ва этник тузилиши, унинг кишилар ҳаракати учун таъсири ва аҳамияти каби муҳим соҳаларда намоён бўлади.

Миграция жараёнларига доир фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва либераллаштириш, соҳага илғор усул ва воситаларни татбиқ этиш ҳамда замонавий ахборот коммуникация технологияларини қўллаш орқали аҳоли билан бевосита алоқага киришмайдиган тизимни яратиш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Миграция жараёнларини давлат томонидан бошқариш, асосан, ҳуқуқий тизимига хос бўлган ушбу ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг мураккаблиги, ўзаро муносабати ва уйғунлашувини истисно қилмасдан, маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш орқали амалга оширилади.

Бугунги кунда дунё давлатларида миграция оқимини тартибга солиш тажрибасини ўрганиш уларнинг ҳар бири ўз давлати шахсий манфаатларини кўзлаш нуқтаи назаридан амалга оширилаётганлигини намоён этади. Яъни ҳар қандай давлат ўз иқтисодий имкониятларидан келиб чиққан ҳолатда иммиграция ёки эмиграцияни тартибга солиш ва рақамлаштириш бўйича сиёсатни олиб бормоқда.

Илмий ўрганишлар натижасида миграция жараёнларининг ривожланишида уч босқич мавжудлиги аниқланган:

- яшаш жойини ўзгартиришга тайёргарлик (потенциал миграция);
- миграцияни амалга оширилиши жараёни;
- мигрантларни яшаш жойларида янги яшаш шароитларига мослашиши.

Миграция жараёнларини тартибга солиш борасида, энг аввало, меҳнат бозоридаги ишчи кучи таклифи ва унга бўлган талаб ўртасидаги номутаносибликни бартараф этиш, “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш, миграция жараёнларида асосан ноқонуний миграцияни тартибга солиш, назорат қилиш ҳамда бошқариш, миграция жараёнларини оптималлаштириш, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг юз бераётган ўзгаришларга тайёрлигини ўрганиш ва мақбуллаштириш орқали ижобий таъсир кўрсатишнинг психологик-инновацион ечимларини асослаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш талаб этилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда давлатимиз томонидан ташқи меҳнат миграция сиёсатини такомиллаштириш ва тартибга солиш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар замирида хорижда ишлаётган фуқароларга нисбатан муносабат тубдан ўзгариб, меҳнат мигрантлари билан мулоқот ўрнатилмоқда, уларнинг муаммо ва эҳтиёжларини ўрганиш ҳамда ҳал қилиш бўйича янги тизимда ишлаш жорий қилинган. Жумладан, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан ташқи меҳнат миграциясида

фаолият олиб бораётган Ўзбекистон фуқороларига амалий ёрдам бериш мақсадида хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси ташкил этилди.

Бугунги кунда ушбу жамғарма маблағлари ҳисобидан минглаб фуқароларга ёрдам кўрсатилиб, хорижда қийин аҳволда қолган меҳнат мигрантларини ватанга қайтариш, уларга юридик ёрдам бериш, жумладан, иш берувчилар томонидан тўланмаган иш ҳақларини ундириш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, ушбу фаолият замирида меҳнат мигрантларининг ҳаёти ва соғлиғини суғурталаш, уларнинг оила аъзолари учун ипотека кредитларини ажратиш, вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга кетаётган фуқароларнинг транспорт харажатларини субсидиялаш, шунингдек, хорижда ишламоқчи бўлган шахсларни талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш, қайтиб келган меҳнат мигрантларининг бандлигини таъминлаш мақсадида банд бўлмаган ёшлар ва аёлларнинг касбга ўқитиш харажатларини қоплаш учун иш берувчиларга субсидия тақдим этиш бўйича кенг қўламли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Дарҳақиқат, тараққиёт йўлида изчил ривожланишда ҳал қилувчи муҳим мезон – бу, замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаган мутахассислар ҳисобланади. Ўзбекистонда аҳоли интеллектуал салоҳиятини оширишда таълим соҳасига сармоя киритишнинг аҳамияти меҳнатга лаёқатли аҳолининг касбий салоҳиятни шакллантириш ҳисобланади. Таълим қай даражада ривожланган бўлса, миллий иқтисодиётда шунга мос касбий тайёргарликка эга бўлган ходимлар фаолият кўрсатади ва шунга мос равишда иқтисодий ўсишга эришилади.

Миграция жараёнларини бошқаришда халқаро-ҳуқуқий стандартлар ва институционал механизмларнинг ўрни беқиёсдир. Миграция масаласи билан шуғулланувчи халқаро ташкилотларни шартли равишда умумий (асосан ноқонуний миграция ва одам савдосига қарши курашиш йўналишида БМТнинг тараққиёт дастури, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Европа иттифоқи ва ҳ.к.) ва махсус (Халқаро меҳнат ташкилоти, БМТнинг қочоқлар бўйича Олий комиссарлик бошқармаси, МХТ, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгаши) турларга бўлиш мумкин.

Жаҳон Миграция ташкилоти маълумотларига кўра, 2020 йилда умумий мигрантлар сони 281 млн. кишини ташкил этиб, 2010 йилдаги кўрсаткичларга қараганда 60 млн. кишига, 2000 йилдаги қараганда 108 млн. кишига ошган. Ёки 2000 йилда дунё аҳолисининг 2,8 фоизини, 2010 йилда 3,3 фоизини ва 2020 йилда 3,6 фоизини ташкил қилган¹. Меҳнат миграцияси мигрантларни етказиб берувчи ва қабул қилувчи мамлакатлар учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Халқаро экспертлар фикрича, меҳнат мигрантлари пул ўтказмаларининг мамлакат иқтисодиётига таъсирларни қабул қилувчи мамлакатлар қаторига – АҚШ, Канада, Ғарбий Европанинг ривожланган давлатлари, Австралия,

¹ Доклад о миграции в мире 2020. <https://publiclons. IOM In Migration>

Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистони ва бошқа давлатларни киритмоқдалар. Мигрантларни етказиб берувчи донор мамлакатлар қаторига – Филиппин, Жазоир, Тожикистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Польша ва бошқаларни, шунингдек мигрантларни қабул қилувчи транзит давлатларга Россия, Латвия, Эстония ва бошқаларни киритиш мумкин.

Диссертациянинг 2-бобида «**Ўзбекистон Республикасида миграция жараёнларини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш амалиёти таҳлили**» амалга оширилган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикасида миграция жараёнларини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солишнинг замонавий ҳолати ўрганилган, Ўзбекистон Республикасида миграция жараёнларини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солишнинг ташкилий жиҳатлари тадқиқ этилган ва аҳолининг ташқи ва ички меҳнат миграциясининг ҳолати, муаммолари ва ечимлари юзасидан фикр ва мулоҳазалар билдирилган.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг меҳнат миграцияси соҳасидаги муаммоли масалалари ўрганиш натижасида, бугунги кунда бу борада қатор тизимли муаммолар мавжудлиги аниқланди. Хусусан, меҳнат миграцияси соҳасини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари етарли даражада тизимлаштирилмаган. Мазкур ҳолат меҳнат миграциясининг назоратсиз ўсишига олиб келади ҳамда хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ ҳимоя қилишга тўсқинлик қилади.

2016-2021 йиллар давомида меҳнат миграцияси соҳасида қарийб юзга яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган бўлиб, улардан ўттиздан ортиғи Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг буйруқларидир. Шу билан бирга, МДҲ давлатларида «Миграция тўғрисида» (Тожикистон), «Аҳолининг миграцияси тўғрисида» (Қозоғистон), «Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Россия Федерациясида миграция ҳисоби тўғрисида» (РФ), «Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида»ги қонунлар мавжуд (Беларусь, Қирғизистон). 1991 йилдан бери Германия Федератив Республикасида «Хорижий фуқароларнинг Германия Федератив Республикасида яшashi, меҳнат фаолияти ва интеграцияси тўғрисида», «Иммиграцияни назорат қилиш ва чеклаш тўғрисида, шунингдек, истиқомат ва яшаш жойларини тартибга солиш тўғрисида»ги қонунлар амал қилади. Европа Иттифоқи давлатлари хорижий ишчилар учун Европа Иттифоқи меҳнат бозорига кириш ва қолиш бўйича бир қанча кўрсатмаларни қабул қилган.

Таъкидлаш жоизки, меҳнат миграциясини ташкил этишнинг етарли даражада тартибга солинмаганлиги, ишчиларни ишга олишдан (ёллашдан) тортиб, меҳнат шартномаларини тузишгача «меҳнат куллари» савдосининг кучайишига олиб келмоқда.

Бугунги кунда мигрантлар нисбатан уюшқоқлик билан фақат Россия Федерацияси, Жанубий Корея ва бошқа айрим давлатларга юборилмоқда. Баъзи маълумотларга кўра, Россия, Қозоғистон, Бирлашган Араб Амирликлари ва Жанубий Кореяда уч миллиондан беш миллионгача

Ўзбекистон фуқаролари меҳнат қилмоқда. Қонунчилик ташаббусларига қарамай, самарали тезкор назорат ва меҳнат мигрантларини жалб қилишни тизимли ташкил этишнинг мавжуд эмаслиги мигрантларни алдов йўллари билан айрим шахсларга алданиб қолишларига шароит яратмоқда.

Диссертантнинг фикрича, миграция соҳасидаги самарали маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш учун миграция сиёсати концепциясини ишлаб чиқиш, давлат ва ҳудудий миқёсдаги дастурларда миграция сиёсатини амалга ошириш, молиявий-иқтисодий фаолиятнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини тартибга солиш, давлат органлари, идоралари ва муассасалари, шунингдек нодавлат ташкилотлар ва уюшмаларнинг самарали фаолиятини таъминлаш, маъмурий-ҳуқуқий тартибга солишнинг миграция соҳасидаги жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини рўёбга чиқариш, миграция жараёнларини давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилиш муҳим вазифалар ҳисобланади.

Меҳнат ресурслари билан кам таъминланган ҳудудларга аҳолининг ички миграциясини самарали ташкил этиш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Ишчи кучи тақчил ҳудудларда кенг тармоқли ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини яратиш, шу орқали янги иш жойларини очиш, янги ишлаб чиқаришларни вужудга келтириш лозим. Бундай ҳудудларга ишчи кучларини оилавий кўчиб келишини ташкил этиш керак. Бунда қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ: мутахассислиги бўйича қафолатланган иш жойи билан таъминланиш; турар-жойга эга бўлиш. Бунда уй-жойни имтиёзли кредит асосида бериш ва кредитни муайян муддат (бир йил)дан (қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йиғиштириб олгандан) сўнг тўлашни бошлаш ҳамда 5 йиллик имтиёзли давр билан 15 йилга бериш.

2. Республиканинг барча туманларидаги бандликка кўмаклашиш марказлари тасарруфида ички меҳнат миграцияси масалалари билан шуғулланувчи махсус бўлим ташкил қилиш керак. Бу бўлимнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлиши керак: меҳнат ресурсларининг ҳудудий, тармоқ ва касби бўйича ҳаракатчанлик балансини ишлаб чиқиш; яшаш жойини ўзгартиришга муҳтож шахсларни аниқлаш мақсадида меҳнат бозорининг аҳоли мониторингини ташкил этиш; иш билан банд бўлмаган аҳолига меҳнат ресурслари тақчил ҳудудлардаги мавжуд бўш иш ўринлари тўғрисида маълумотларни тақдим этиш; ишсиз бўлган фуқароларни рўйхатга олиб, меҳнат ресурслари тақчил ҳудудларга иш билан таъминлашда кўмаклашиш; ишсиз мақоми берилган фуқароларни бошқа ҳудудларга ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юбориш; бошқа ҳудудларга кўчувчиларга банкдан кредитни расмийлаштиришда маслаҳатлар бериш ва кўмаклашиш; меҳнат фаолиятини амалга ошириш мақсадида бошқа ҳудудга кўчаётган фуқароларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини белгиланган тартибда таъминлаш.

Диссертациянинг учинчи боби «Ўзбекистон Республикасида миграция жараёнларини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солишни ривожлантириш

йўллари»ни белгилашга бағишланган. Унда муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикасида миграция жараёнларини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солишни ҳуқуқий таъминлашни такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган ва илмий асосланган таклиф ва тавсиялар шакллантирилган.

Ўзбекистонда миграция жараёнлари соҳасида, айниқса, фуқароларнинг хорижий мамлакатларга меҳнат миграцияси соҳасида бир қатор муаммоларни ҳал қилиш зарурати мавжуд бўлиб, бу, биринчи навбатда, мамлакатнинг қонунчилик ҳужжатларини ислоҳ қилишни талаб қилади. Бу шахс ва жамиятнинг бир қатор ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилиш, миграция жараёнларини самарали тартибга солиш тизимини такомиллаштириш, меҳнат миграцияси оқимларини диверсификация қилиш бўйича идоралараро ҳамкорликни оптималлаштириш имконини беради.

Аҳолининг замонавий халқаро миграцияси глобал характерга эга бўлиб, БМТ ҳисоботларида қайд этилишича, дунё бўйлаб мигрантларнинг умумий сони бугунги кунда 232 млн кишига ёки аҳолининг 3,2% га етган, 29 ёшгача бўлган ёшлар барча мигрантларнинг 30% ини ташкил этади.

Ҳозирги кунда дунёнинг кўплаб ривожланган мамлакатлари демографик инқирозни бошдан кечирмоқдалар, туғилиш даражаси пастлиги, аҳолининг қариши ва шунга мос равишда ўз иқтисодиётини ривожлантириш учун меҳнат ресурсларининг етишмаслиги, бу уларни бошқа мамлакатлардан меҳнат ресурсларини жалб қилишга ундайди. Худди шу пайтга ўзида, меҳнат ресурсларини экспорт мамлакатлар учун, мигрантлар пул тушумлари ташқи даромад энг йирик манбаи ҳисобланади, бир бутун сифатида аҳоли ва мамлакатлар, ҳам ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга қаратилади. Ўзбекистон фуқаролари глобал миграция жараёнларининг фаол иштирокчилари, шу жумладан хорижий мамлакатларда ишлайдилар.

Тадқиқот шуни кўрсатдики, миграция соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий асос халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардир. Бугунги кунда миграция қонунчилиги жуда мураккаб тузилишга эга, бу ҳуқуқни қўллаш (шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш) фаолиятида жиддий қийинчиликларни келтириб чиқаради. Ижтимоий муносабатларнинг ўхшаш гуруҳларини тартибга солувчи миграция ҳуқуқининг кўплаб нормалари турли хил ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича «тарқоқ» бўлиб чиқади. Миграция қонунчилигининг тарқоқ табиати Ўзбекистон Республикасининг миграция қонунчилигини ривожлантириш самарадорлигини жиддий равишда пасайтирмоқда. Кўп жиҳатдан, миграция қонунчилигининг бундай ҳолати ва ривожланиши давлат, унинг ҳокимият органлари ўз ваколатларини амалга оширишда таяниши мумкин бўлган миграция сиёсатининг аниқ шаклланган концепциясининг йўқлиги билан боғлиқ.

Миграция жараёнларини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш ҳали шаклланиш босқичида, шунинг учун у кўплаб бўшлиқларга эга, кўпинча

ўзгартирилади ва тўлдирилади. Ушбу соҳадаги қоидалар тўлиқ тизимлаштирилмаган.

Ҳуқуқий тажрибанинг хилма-хиллиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган кўплаб қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар миграция соҳасидаги норматив-ҳуқуқий материалларни тизимлаштириш вазифасини биринчи ўринга олиб чиқади. Шу билан бирга, уни таркибий бир хилликка олиб бориш, турли нормаларнинг ички изчиллигини кузатиш, шунингдек қонун ҳужжатлари ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормалари ўртасидаги мумкин бўлган бўшлиқлар ва қарама-қаршиликларни бартараф этиш керак.

Шу билан бирга, амалдаги қонунчилик замонавий миграция жараёнларини, мамлакатимизда миграциянинг ҳақиқий шаклларини тўлиқ акс эттирмайди, бу унинг кўп миллатли таркибининг ўзига хос хусусиятлари, арзон ишчи кучини жалб қилиш тенденциялари ва бошқалар билан боғлиқ бўлиб, айрим жараёнлар (миграция соҳасидаги халқаро стандартлар ва механизмларга мувофиқлик, шахснинг меҳнат қлиши, уй-жой билан таъминланиш, ижтимоий таъминот ва ҳимояга оид ҳуқуқ ва эркинликлари) ҳуқуқий тартибга солинадан қолиб кетганлиги таъкидланади ва диссертацияда ушбу муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш бўйича аниқ таклифлар келтирилган.

Асосий вазифалар қаторига Ўзбекистон Республикаси миқёсида миграция жараёнларини ҳуқуқий тартибга солиш нуқтаи назаридан ягона ҳуқуқий маконни қайта яратиш ва таъминлаш киради. Шу мақсадда миграция қонунчилигида ҳуқуқий нормаларнинг такрорланиши ва номувофиқлигини бартараф этиш, қонунчилик ва қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш, уларни Конституцияга, қонунларга, шунингдек умумэтироф этилган принципларга зид бўлганларни бекор қилиш ва халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштириш таклиф этилган.

Миграция нуқтаи назаридан эркин ҳаракатланиш ҳуқуқи, яшаш ва яшаш жойини танлаш ва мамлакатга эркин кириш ва чиқиш ҳуқуқи ўртасидаги нисбат қуйидагича тавсифланиши мумкин: а) ички миграция эркин ҳаракатланиш, яшаш ва яшаш жойини танлаш учун тенг имкониятлар асосида амалга оширилади; б) давлатлараро миграция фуқаролиги ва кўчиб юривчи шахснинг ҳуқуқий мақомининг хусусиятлари билан белгиланади.

Шундай қилиб, миграция мураккаб, кўп қиррали ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса бўлганлиги билан бирга анъанавий равишда миграцияга оид ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар соҳасидаги содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ. Уларни содир этганлиги учун, қоида тариқасида, маъмурий жавобгарлик белгиланади, ушбу турдаги маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг асосий объекти маъмурий қонунчилик нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлардир. Шу билан бирга, белгиланган бошқарув тартиби қўшимча объект сифатида, ижтимоий тартиб, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини киритиш мумкин.

